

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.03/30.01.2020.Ped.26.01
РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА УНИВЕРСИТЕТИ

АБДУРАИМОВА ГУЛЧИРОЙ ОЗОТОВНА

**БЎЛАЖАК БОШЛАНҒИЧ СИНФ ЎҚИТУВЧИЛАРИНИ
ТЕХНОЛОГИЯ ФАНИНИ ЎҚИТИШГА МЕТОДИК ТАЙЁРГАРЛИГИНИ
ТАКОМИЛЛАШТИРИШ**

**13.00.02 – Таълим ва тарбия назарияси ва методикаси
(технология)**

**ПЕДАГОГИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент – 2020

**Педагогика фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD)
диссертацияси автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации
доктора философии (PhD) по педагогическим наукам**

**Contents of dissertation abstract of doctor of
philosophy (PhD) on pedagogical sciences**

Абдураимова Гулчирой Озотовна

Бўлажак бошланғич синф ўқитувчиларини технология фанини ўқитишга методик тайёргарлигини такомиллаштириш.....

Абдураимова Гулчирой Озотовна

Совершенствование методической подготовки будущих учителей начальных классов к преподаванию технологии

Abduraimova Gulchiroy Ozotovna

Improve teaching methodology for future elementary school teachers in technology education

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ

List of publication.....

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.03/30.01.2020.Ped.26.01
РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА УНИВЕРСИТЕТИ

АБДУРАИМОВА ГУЛЧИРОЙ ОЗОТОВНА

**БЎЛАЖАК БОШЛАНҒИЧ СИНФ ЎҚИТУВЧИЛАРИНИ
ТЕХНОЛОГИЯ ФАНИНИ ЎҚИТИШГА МЕТОДИК ТАЙЁРГАРЛИГИНИ
ТАКОМИЛЛАШТИРИШ**

**13.00.02 – Таълим ва тарбия назарияси ва методикаси
(технология)**

**ПЕДАГОГИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент – 2020

Педагогика фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2019.2.PhD/Ped941 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Тошкент давлат педагогика университетида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз резюме) Илмий кенгашнинг веб-саҳифасида (www.tdpu.uz) ҳамда «ZiyoNet» ахборот-таълим порталида (www.ziynet.uz) а жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:

Исянов Равиль Геннадьевич
педагогика фанлари номзоди, доцент

Расмий оппонентлар:

Қўйсинов Одил Алмуратович
педагогика фанлари доктори, доцент

Муҳлибоев Маҳмуд Қаршибоевич
педагогика фанлари номзоди, доцент

Етакчи ташкилот:

Бухоро давлат университети

Диссертация ҳимояси Тошкент давлат педагогика университети ҳузуридаги илмий даражалар берувчи DSc.03/30.01.2020.Ped.P.26.01 рақамли илмий кенгашнинг 2020 йил «__» _____ соат ____ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 100011, Тошкент шаҳри, Чилонзор тумани, Бунёдкор кўчаси, 27-уй.) Тел.: (99871) 276-79-11; факс: (99871) 276-80-86; e-mail: tdpu_kengash@edu.uz.

Диссертация ҳимояси билан Тошкент давлат педагогика университетининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (_____-рақам билан рўйхатга олинган). Манзил: 100011, Тошкент шаҳри, Чилонзор тумани, Бунёдкор кўчаси, 27-уй. Тел.: (99871) 276-79-11; факс: (99871) 276-80-86.

Диссертация автореферати 2020 йил «__» _____ кунни тарқатилди.
(2020 йил «__» _____ да _____-рақамли реестр баённомаси).

Р.Х. Джураев
Илмий даражалар берувчи
Илмий кенгаш раиси, п.ф.д., академик

Р.Г.Исянов
Илмий даражалар берувчи
Илмий кенгаш котиби, п.ф.н., доцент

Н.А.Муслимов
Илмий даражалар берувчи
Илмий кенгаш қошидаги семинар
раиси, п.ф.д., профессор

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Дунёда таълимнинг ахборотлашуви даврида рақобатбардош педагогик кадрларни тайёрлаш, бўлажак ўқитувчиларнинг методик тайёргарлигини таъминлашнинг мақсадли моделлари, дарс машғулотларининг педагогик сценарийлари ҳамда мультимедиали электрон ресурслари таълим жараёнига татбиқ этилган. Бўлажак бошланғич таълим ўқитувчиларини технология фанини ўқитиш жараёнида фан, техника ва технология, муҳандислик, дизайн элементларини амалиёт билан боғлаб ўрганишнинг «STEAM – таълим» (Science – табиий фанлар, Technology – технологиялар, Engineering – техник ижодкорлик, Art – санъат, Mathematics – математика) ёндашуви таълим-тарбия жараёнини ташкил этишда муҳим аҳамият касб этмоқда¹.

Жаҳонда бўлажак бошланғич синф ўқитувчиларини технология фанини ўқитишга методик тайёргарлигини такомиллаштириш, технология фани мазмунида касбларга йўналтириш, дарс ва мактабдан ташқари машғулотларда ўқувчиларнинг ижодкорлигини тарбиялаш, уларнинг янгиликлар яратишга бўлган қизиқишларини ривожлантириш бўйича илмий тадқиқотлар олиб борилмоқда. Мактаб ўқувчиларига робототехника, моделлаштириш, конструкциялаштириш, программалаштириш, 3D – лойиҳалаштириш, электрон таълим ресурслари асосида таълим жараёнини ташкил этиш бўйича илмий тадқиқотлар олиб боришга алоҳида аҳамият берилмоқда.

Республикамизда бошланғич синф ўқитувчиларини тайёрлашда технология фанини ўқитиш методикасини таълим жараёнига илғор хорижий тажрибаларни жорий этиш орқали такомиллаштириш, фан ва ишлаб чиқаришнинг самарали интеграциялашувини таъминлаш, умумий ўрта таълим мактабларида таълим сифатини ошириш, бошланғич синф ўқитувчисининг касбий методик тайёргарлиги самарадорлигини оширишнинг меъёрий асослари яратилди ҳамда моддий техника базаси шакллантирилди. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 29 апрелдаги «Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида»ги Фармонида «STEAM фанларни ва танқидий фикрлаш, ахборотни мустақил излаш ва таҳлил қилиш компетенциялари ва малакаларининг ривожланишига алоҳида урғу бериш, замонавий инновацион иқтисодиёт талабларига жавоб берадиган умумтаълим дастурлари ва янги давлат таълим стандартларини жорий этиш»² устувор вазифа сифатида белгилаб берилди. Натижада бўлажак бошланғич синф ўқитувчиларини технология фанини ўқитишга методик тайёргарлигини такомиллаштириш, шунингдек, таълимнинг кейинги босқичига муваффақиятли ўтишини таъминлашнинг педагогик имкониятлари кенгайтилади.

¹ STEAM is an innovative method of teaching and should be implemented across Europe. More and more institutions should work together to share ideas and develop further projects. Participant at steam education Conference, Porto 2019 (<https://steameducation.eu/bookinginformation.html>).

² Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 29 апрелдаги “Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида”ги ПФ-5712-сонли Фармони. Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 29.04.2019 й., 06/19/5712/3034-сон.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги ПФ–4947-сонли Фармони, 2017 йил 20 апрелдаги «Олий таълим тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ–2909-сонли, 2018 йил 5 июндаги «Олий таълим муассасаларида таълим сифатини ошириш ва уларнинг мамлакатда амалга оширилаётган кенг қамровли ислохотларда фаол иштирокини таъминлаш бўйича қўшимча чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ–3775-сонли ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 20 февралдаги «Президент мактабларини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ–4199-сонли қарорлари ҳамда мазкур соҳага тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда мазкур диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологияларни ривожлантиришнинг устувор йўналишларига мослиги. Мазкур тадқиқот иши республика фан ва технологияларни ривожлантиришнинг I. «Демократик ва ҳуқуқий жамиятни маънавий-ахлоқий ва маданий ривожлантириш, инновацион иқтисодиётни ривожлантириш» устувор йўналиши доирасида бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Республикада бошланғич синф ўқитувчиларининг методик тайёргарлигини такомиллаштириш масалалари бўйича Б.Абдуллаева, Г.Боймуродова, Р.Ибрагимов, М.Жумаев, У.Машарипова, С.Матчанов, Ш.Йўлдошева, С.Усмонов, А.Садикова, М.Тошпулатова, М.Ҳамдамова; умумтаълим мактабларининг меҳнат дарсларида ўқувчиларни касбга йўналтириш масалалари бўйича А.Авазбоев, А.Воробьев, Р.Джураев, К.Давлетов, Р.Исянов, Р.Мавлонова, Н.Муслимов, У.Нишоналиев, Х.Санакулов, Ў.Толипов, Ш.Шарипов, О.Қўйсинавлар илмий тадқиқотлар олиб боришган. Таълим жараёнини ахборот ва педагогик технологиялардан фойдаланган ҳолда ташкил қилиш муаммолари А.Абдуқодиров, Г.Асилова У.Бегимкулов, С.Булатов, М.Мамаражабов, Д.Маматов, Х.Мухитдинова, С.Раҳмонкулова, Н.Тайлақов, С.Турсунов, Т.Шоймардонов, Ҳ.Қодиров, Г.Эргашевалар томонидан тадқиқ қилинган.

МДҲ мамлакатларида бўлажак бошланғич синф ўқитувчиларининг методик тайёргарлигини такомиллаштириш масалалари М.Р.Львов, Т.Г.Рамзаева, Н.Н.Светловская, Г.С.Коляденко, М.П.Сенкевич, Е.М.Катонина, А.Н.Васильева, З.И.Романовская, Л.С.Исакова, Т.А.Ладиженская, М.В.Гамезо, М.В.Матюхина, Т.С.Михальчик, И.А.Зимняя, Э.Сепирлар томонидан тадқиқ этилган.

Бўлажак бошланғич синф ўқитувчиларининг методик тайёргарлигини такомиллаштиришнинг турли жиҳатлари хорижий давлат олимлари N.Chomsky, J.Jarmul, F.Carton, M. Grammont, P.Leon, A.Martinet ва бошқалар томонидан ўрганилган.

Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган олий таълим муассасаси илмий тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Тошкент давлат педагогика университети илмий тадқиқот ишлари режасининг «Бошланғич синф ўқитувчилари учун фанлардан

мультимедиали дарс ишланмалари мажмуасини яратиш» (2015–2017 йй.) амалий лойиҳаси доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади бўлажак бошланғич синф ўқитувчиларининг технология фанини ўқитишга оид методик тайёргарлигини такомиллаштиришдан иборат.

Тадқиқот вазифалари:

бўлажак бошланғич синф ўқитувчиларининг технология фанини ўқитишга оид методик тайёргарлигини такомиллаштиришнинг педагогик ва психологик имкониятларини таҳлил қилиш;

бўлажак бошланғич синф ўқитувчиларига технология фанини ўқитишда фан, техника, технология тараққиёти, муҳандислик, математика ва кундалик ҳаётда дизайн элементлари билан боғлаб ўрганишнинг «STEAM – таълим» (Science – табиий фанлар, Technology – технологиялар, Engineering – техник ижодкорлик, Art – санъат, Mathematics – математика) ёндашуви асосида таълим-тарбия жараёни методикасини такомиллаштириш;

«STEAM – таълим» ёндашуви асосида технология фанини интеграциялаб ўқитишда бўлажак бошланғич синф ўқитувчиларининг методик тайёргарлигини шаклландириш даражасини аниқлаш;

бўлажак бошланғич синф ўқитувчиларининг «STEAM – таълим» ёндашуви асосида технология фанини ўқитиш методикасининг ўқув-методик таъминотини такомиллаштириш.

Тадқиқотнинг объекти – олий таълим муассасаларида бўлажак бошланғич синф ўқитувчиларининг технология фанини ўқитишга методик тайёргарлигини такомиллаштириш жараёни.

Тадқиқотнинг предмети – бўлажак бошланғич синф ўқитувчиларининг технология фанини ўқитишга оид методик тайёргарлигини такомиллаштиришнинг шакл, метод ва воситалари.

Тадқиқотнинг усуллари. Тадқиқот жараёнида педагогик кузатув, қиёсий таҳлил, умумлаштириш, социологик методлар (анкета, савол-жавоб, суҳбат, эксперт баҳолаш) педагогик тажриба-синов, математик-статистик таҳлил каби усуллардан фойдаланилди.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

бўлажак бошланғич синф ўқитувчисининг методик тайёргарлик модели «STEAM – таълим» ёндашуви интерференция резонансини вужудга келтириш асосида такомиллаштирилган;

бўлажак бошланғич синф ўқитувчисининг касбий тайёргарлик сифати таълим траекторияларини «STEAM–таълим» ёндашувига хос индивидуаллаштириш асосида такомиллаштирилган;

бўлажак бошланғич синф ўқитувчисининг технология фанини ўқитишга методик тайёргарлиги «STEAM–таълим» даражаларига мос компетенциялар тизимини ишлаб чиқиш асосида такомиллаштирилган;

бўлажак бошланғич синф ўқитувчиларининг технология фанидан касбий методик тайёргарлик сифати ижтимоий мезонлар ва касбий-рефлексив даражалар мазмунига устуворлик бериш асосида такомиллаштирилган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

бўлажак бошланғич синф ўқитувчиларининг технология фанини ўқитишга методик тайёргарлигини такомиллаштиришнинг мазмуни аниқланган, шакл, метод ва воситалари ишлаб чиқилган;

«STEAM – таълим» ёндашуви асосида технология фанидан методик таъминоти, шунингдек, Давлат таълим стандарти, малака талаблари, ўқув дастурлари ва ўқув-методик мажмуаси ишлаб чиқилган;

бўлажак бошланғич синф ўқитувчиларининг технология фанини ўқитишга методик тайёргарлигини такомиллаштириш бўйича илмий асосланган методик тавсиялар шакллантирилган;

бўлажак бошланғич синф ўқитувчиларининг технология фанини ўқитишга методик тайёргарлигини такомиллаштириш бўйича дарслик, электрон таълим ресурслари яратилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги диссертацияда фойдаланилган маълумотлар расмий манбалардан олингани, таҳлиллар ва тажриба-синов ишлари математик-статистика методлари воситасида қайта ишлангани ва самарадорлигининг асослангани, хулоса, таклиф ва тавсияларнинг амалиётга жорий қилингани ва олинган натижаларнинг ваколатли тузилмалар томонидан тасдиқлангани билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти диссертацияда илмий асосланган маълумотлар, таклиф қилинган методика, тадқиқот жараёнида ишлаб чиқилган дастур, методик тавсиялар олий таълим муассасаларида таълим жараёни самарадорлигини ошириш, ўқув режа ва дастурларни такомиллаштиришда фойдаланилиши билан изоҳланади.

Тадқиқотнинг амалий аҳамияти қўлга киритилган натижалар олий таълим муассасалари дастурларини такомиллаштириш, бўлажак бошланғич синф ўқитувчиларининг такомиллаштирилган иш режаларини тузиш, дарслик, ўқув ва методик қўлланмалар яратиш, олий таълим муассасалари ва бошланғич синфларда ташкил қилинган ўқув семинарларининг самарадорлигини ошириш ҳамда ота-оналарга методик ёрдам кўрсатиш вазифасини бажариши билан белгиланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Бўлажак бошланғич синф ўқитувчиларининг технология фанини ўқитишга методик тайёргарлигини такомиллаштириш бўйича олинган илмий натижалар асосида:

бўлажак бошланғич синф ўқитувчисининг «STEAM – таълим» ёндашуви интерференция резонансини вужудга келтириш асосида такомиллаштирилган методик тайёргарлик моделига оид таклифлар Бошланғич таълим ва спорт-тарбиявий иш бакалавриат таълим йўналишининг Давлат таълим стандарти мазмунига сингдирилган (Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2020 йил 1 февралдаги № 89-03-421-сонли маълумотномаси). Натижада, бўлажак бошланғич синф ўқитувчиларини «STEAM – таълим» бўйича тайёргарлик даражасини оширишга эришилган;

бўлажак бошланғич синф ўқитувчисининг касбий тайёргарлик сифати таълим траекторияларини индивидуаллаштириш ҳамда «STEAM–таълим» даражаларига мос компетенциялар тизимини такомиллаштиришга оид

таклифлар «Технология ва уни ўқитиш методикаси» фани бўйича мустақил таълим ва амалий машғулотлар мазмунига сингдирилган (Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2020 йил 1 февралдаги № 89-03-421-сонли маълумотномаси). Натижада талабаларнинг технология ва уни ўқитиш методикаси фанидан ўзлаштириш сифати самарадорлиги оширилган;

бўлажак бошланғич синф ўқитувчиларининг технология фанидан касбий методик тайёргарлигини такомиллаштиришга оид таклифлар асосида педагогика олий таълим муассасалари бошланғич таълим ва спорт-тарбиявий иш йўналиши талабалари учун «Меҳнат ва уни ўқитиш методикаси» дарслиги ишлаб чиқилган. (ОЎМТВ 2019 йил 9 февралдаги 133-сонли буйруғи билан тасдиқланган №133-078-сонли гувоҳнома). Натижада, бўлажак бошланғич синф ўқитувчиларининг технология фанини ўқитишга методик тайёргарлиги даражаси ортишига хизмат қилган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Тадқиқот натижалари 10 та республика ва 5 та халқаро илмий-амалий анжуманда муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 32 та илмий иш чоп этилган. Шулардан: Ўзбекистон Республикаси Олий Аттестация комиссияси томонидан докторлик (PhD) диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия қилинган илмий нашрларда 7 та (республика журналларида – 4 та, хорижий журналларда – 3 та) мақола нашр этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация кириш, уч боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ҳамда иловалардан иборат. Диссертациянинг ҳажми 123 бетни ташкил қилади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида диссертация мавзусининг долзарблиги асосланган, муаммонинг ўрганилганлик даражаси баён қилинган, тадқиқотнинг мақсади, вазифалари, объекти, предмети, методлари аниқланган, тадқиқот ишининг фан ва технологияларни ривожлантиришнинг муҳим йўналишларига мослиги кўрсатилган. Шунингдек, тадқиқотнинг илмий янгилиги, натижаларнинг ишончлилиги, илмий ва амалий аҳамияти, натижаларнинг амалиётга жорий қилиниши, эълон қилинганлиги, ишнинг тузилишига доир маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг **«Бўлажак бошланғич синф ўқитувчиларини технология фанини ўқитишга методик тайёргарлигини такомиллаштиришнинг назарий асослари»** деб номланган биринчи бобида бошланғич синфларда технология фанини ўқитишнинг ҳозирги ҳолати ва муаммолари, технология фанини ўқитишнинг ўзига хос психологик педагогик хусусиятлари, технология фанини «STEAM – таълим» ёндашуви асосида ўқитишнинг моҳияти ёритилган.

Технология фанининг асосий мақсади турли ҳаётий вазиятларда тўғри йўналиш танлай оладиган ижодий шахсни шакллантиришдан иборат бўлиб, бу кўп ҳолларда бошланғич синфдаги таълим жараёнига боғлиқ бўлади. Бошланғич

синфда ўқувчиларнинг технологик тайёргарлиги асоси яратилади ва улар юқори синфларда такомиллаштирилади. Ўқувчиларда ижодий фикрлаш, фаол ҳаракат қилиш ва осон мослашиш сифатларини шакллантиришни биринчи синфдан бошлаш зарур.

Технология фани дастури бошланғич синф ўқувчиларида ўқиш мотивларини мустаҳкамлашга ёрдам беради. Касблар билан таништириш, ишлаб чиқаришга экскурсиялар уюштириш, касбни танлаш, ўз-ўзини ривожлантириш йўналишларини аниқлашга имкон туғдиради. Бошланғич синф ўқувчилари касблар билан танишганда қандай касбий билим, малака, шахсий сифатларга эга бўлиши ҳақида тушунчага эга бўлишади.

Бошланғич синф ўқитувчиси технология дарсларига тайёргарлик кўришда ва уларни ўтказишда ўқувчилар ўқиш, ўйин ва турмушдаги фаолиятида қўллайдиган буюмлардан фойдаланиш керак. Шунинг учун ўқитувчи меҳнат объекти сифатида ўқувчилар реал фойдаланадиган буюмларни мунтазам таклиф қилиши, масалан, уларни нафақат дарс машғулотлари ёки ўзи учун, балки бошқа синф ўқувчилари учун ҳам дидактик материал тайёрлашга жалб этиши керак.

Тадқиқотлар натижасида бошланғич синф ўқувчиларини ўқитишнинг ўзига хос хусусиятлари ва психологик-педагогик асосларини таҳлил қилиб, технология фани дастури уларнинг индивидуал-ёш хусусиятларига мослаштирилди. Бошланғич синф ўқувчиларини янги сифатларни, шунингдек, уни ривожлантирувчи таълим тамойиллари асосида ўқитиш уларда шахсий сифатларни шакллантиришда ёрдам беради. Бошланғич синфларда технология фанини ўқитишнинг асосий вазифаларини амалга оширишнинг педагогик имкониятлари 1-жадвалда келтириб ўтилган.

1-жадвал

Бошланғич синфларда технология фанини ўқитишнинг асосий вазифаларини амалга оширишнинг педагогик имкониятлари

Ўқитиш вазифалари	Педагогик имкониятлар
1. Ўқув фаолиятини эгаллаш мақсадларини кўйиш ва амалга ошириш	
Ўқув вазифаларини кўйиш ва ҳал қилиш	Меҳнат объектини тайёрлашда интеллектуал ва амалий фаолиятни бирлаштириш, лойиҳалаш методидан фойдаланиш, буюмларнинг намуналарини жамоавий (индивидуал) таҳлил қилиш ва келгуси ишларни режалаштириш. Ўқувчилар томонидан бажариладиган ишни таҳлил қилиш, унинг ҳажми ва мураккаблигини уларнинг имкониятлари билан солиштириш, фаолиятнинг мақсад ва вазифаларини тушуниш (оддий дарсларда), уларни аниқлаш (ўқув лойиҳалаш ва оддий дарсларда).
Ўқув фаолиятларини шакллантириш	Технологик амалларни фаолият элементлари сифатида бажариш, битта вазифада амалга ошириладиган ва йирик блоklarга бирлаштирилган бир неча ҳаракатларни бажариш - иш усуллари, услублари, методлари. Технологик амалларни бажариш ва ижодий масалаларни ечиш вақтида дастлабки, жорий ва якуний ўз-ўзини назоратни, ўзаро назоратни амалга ошириш, ўзини ўзи баҳолаш.
Йўналтирувчи фаолиятларни шакллантириш	Дарсни самарали ташкил қилишда буюмларнинг вазифаларини таҳлил қилиш, материалларни ва асбобларни танлаш.

Бажариш, амалга ошириш фаолиятларини шакллантириш	Буюмни тайёрлаш лойиҳасига ва технологиясига ўзгартиришлар киритиш, технология дарсларида моделлаштириш, лойиҳалаш элементларини амалга ошириш, ўқув лойиҳаларини бажариш.
Ўқиш мотивларини шакллантириш	Танлаш вазиятини яратиш. Ўқувчиларнинг ўқишда мақсадни белгилаш учун машқлар (ўзи ёки бошқалар учун нимадир қилиш, репродуктив топшириқ ёки ижодий; ўз-ўзини баҳолаш ва интилишлар даражаси, ўқувчиларнинг ўз имкониятларини аниқлаши. Мураккаб масалаларни ечишда катталар билан ҳамкорлик қилиш.
2. Бошланғич синф ўқувчиларида янгиликларнинг ҳосил қилиниши	
Эркинлик	Ўқувчилар учун унча қизиқ бўлмаган, аммо зарур топшириқларни бажариш. Топшириқлар зарурлигини англаш, қийинчиликларни енгиш, мақсадга эришишнинг энг яхши йўллари топиш.
Рефлексия	Дарсда кооперация ва ҳамкорликдан фойдаланиш, ўқувчилар томонидан ўз қобилиятлари ва билимларининг баҳоланиши
Амалий фаолиятларни бажаришга киришиш	Буюмлар билан иш кўриш ва секин-аста уларни сўзлар билан алмаштириш. Дастлаб буюм намунасининг таҳлилини овоз чиқариб айтадилар, сўнгра бу амалларни овоз чиқармасдан бажарадилар.
3. Шахсий сифатларни шакллантириш	
Бурч ва масъулият ҳисси	Гуруҳда ва жамоада ишлаш
Назорат ва ўзаро бир-бирини текшириш малакалари	Ҳамкорликдаги ўқув фаолияти. Мажбурий назоратни талаб қилувчи амалларни аниқлаш. Ижодий ишларни бажариш ва уларни ўзаро текшириш
Ижодий фаоллик	Ўқувчиларнинг изланувчанлик фаолиятини ташкил қилиш. Ўрганилаётган ҳодисаларнинг моҳияти билан танишиш. Кузатиш ва тажрибаларни ўтказиш. Ўқитишнинг инновацион муаммоли методларидан фойдаланиш. Максимал қийинликдаги масалаларни ечиш, муваффақиятсизликларни бошдан кечириш ва масаланинг қийинлиги сабабларини ўзи таҳлил қилиш.
Ўқувчиларнинг етарли даражада ўз-ўзини баҳолаш ва интилишлар даражасининг ҳосил қилиниши. Ижодий қобилиятни ривожлантириш. Ижодий масалаларни таҳлил қилиш, ечиш ва фойдаланиш	Ҳамкорлик, ижодкорлик муҳитини яратиш. Ўқитишни ривожлантирувчи таълим тамойиллари асосида ташкил этиш. Ижодий ҳис-туйғуларнинг борлиги. Ижодий масалаларни ечиш.

Тадқиқот натижаларига кўра, ўқитиш натижаси нафақат ўқитувчининг фаолияти, балки ўқувчиларнинг ўқув жараёнидаги фаоллиги билан ҳам белгиланади. Шунинг учун ҳам ўқувчиларнинг ўқув-билиш жараёнини бошқариш ўқитувчи фаолиятининг предмети сифатида намоён бўлади.

Ўқитувчининг ўқув жараёнини бошқариш фаолияти қуйидагилардан иборат: ўзи ва ўқувчиларнинг дарсдаги фаолиятларини режалаштириш; фаолият

турларини ташкил қилиш; мактаб ўқувчиларнинг билим ва иш усулларини ўзлаштириш фаоллигини ҳамда онглилигини рағбатлантириш; ўқитиш сифати ва ўқувчилар ўқув амалларини бажаришларини бошқариш ҳамда назорат қилиш; ўқитиш натижаларини таҳлил этиш ҳамда бошланғич синф ўқувчиларининг ривожланишидаги кейинги ўзгаришларини башорат қилиш.


Талабаларнинг замонавий методик тайёргарлигини тўғри ташкил этиш учун қатор мезонларга таяниш тақозо этилади. Замонавий таълим технологиялари ёрдамида бўлажак бошланғич синф ўқитувчиларининг методик тайёргарлигини такомиллаштириш методикаси ишлаб чиқилади. Келажакда зарур бўладиган касбий кўникмалар (4К) – XXI аср кўникмалари ҳозирги кунда турли даражаларда фаол муҳокама қилинаётган алоҳида йўналиш ҳисобланади. Унинг моҳияти қуйидагича: саноат (индустриал) даврда саводхонликни белгилайдиган кўникмалар ўқиш, ёзиш ва арифметик ҳисоблаш бўлган. XXI асрда эса танқидий фикрлаш малакалари, ўзаро ҳамкорлик ва коммуникация қобилияти, ишга ижодий ёндашув диққат марказида бўлмоқда. Шундай қилиб, келажакнинг асосий кўникмалари 4К шакллантирилди: коммуникация; кооперация; критик (танқидий фикрлаш); креативлик.

Бу кўникмаларни фақат лабораторияларда ёки маълум математик алгоритмларни билиш орқали эгаллаб бўлмайди. Айнан шунинг учун ҳам мутахассислар STEAM – фанларни кўпроқ ва тез-тез ўқишларига тўғри келмоқда.

«STEAM – таълим» дастури компонентлари: фанлараро интегратив ёндашув; илмий-техник билимлардан реал ҳаётда фойдаланиш; танқидий фикрлаш; ўз кучига ишончни тарбиялаш; фаол коммуникация ва жамоавий иш; техник фанларга қизиқишни ривожлантириш; лойиҳаларга креатив ва инновацион ёндашув; техник ижодкорликка мотивацияни ривожлантириш; касбга эрта йўналтириш; таълим олувчиларни технологик инновацияларга тайёрлаш.

Диссертациянинг **«Бўлажак бошланғич синф ўқитувчиларини технология фанини ўқитишга тайёрлашнинг мазмуни ва методикаси»** деб номланган иккинчи бобида бўлажак бошланғич синф ўқитувчиларини технология фанини ўқитишга тайёрлашнинг мазмуни, “Технология ва уни ўқитиш методикаси” фанининг мазмуни, “STEAM – таълим” ёндашуви асосида бўлажак бошланғич синф ўқитувчиларини технология фанини ўқитишга тайёрлаш технологиялари, бўлажак бошланғич синф ўқитувчиларини ўқувчиларнинг лойиҳалаш фаолиятига раҳбарлик қилишга тайёрлаш ҳақида фикр юритилган.

Талабаларни 1–4 синфда технология фанини ўқитишга тайёрлаш жараёнида фанлараро боғланишни амалга ошириш жараёнини таҳлил қилиб, биз “5111700 – Бошланғич таълим ва спорт-тарбиявий иш” таълим йўналиши ўқув режасидаги фанларнинг технология фанини ўқитишга тайёрлашга таъсирини ўрганиб, бўлажак бошланғич синф ўқитувчиларининг технология фанини ўқитишга методик тайёргарлигини такомиллаштириш моделини ишлаб чиқдик (1-расм).



1-расм. Бўлажак бошланғич синф ўқитувчиларининг технология фанини ўқитишга методик тайёргарлигини такомиллаштириш модели

Моделда бўлажак бошланғич синф ўқитувчиларининг технология фанини ўқитишга методик тайёргарлиги “5111700 – Бошланғич таълим ва спорт-тарбиявий иш” таълим йўналишига қўйиладиган Давлат таълим стандарти ва малака талаблари билан аниқланади ҳамда талабалар томонидан ўқув режасидаги фанларни ўзлаштиришлари орқали таъминланади.

Бўлажак бошланғич синф ўқитувчисини тайёрлашда умумкасбий ва ихтисослик фанлари блоки асосий ўринни эгаллайди, чунки талабалар айнан шу блокдаги фанларни ўрганишда бошланғич синф ўқувчиларининг руҳий ва жисмоний ривожланиши ҳамда уларни ўқитишнинг ўзига хос хусусиятлари билан танишадилар. Ўқув режасида кўрсатилган блоklarдаги ўқитиладиган фан машғулотларида олинган билим, кўникма ва малакаларга талабаларнинг “Бошланғич таълим педагогикаси, инновация ва интеграция”, “Бошланғич синфларда ахборот технологиялари”, “Табиатшунослик ва уни ўқитиш методикаси”, “Тарбиявий ишлар методикаси”, “Умумий психология”, “Умумий педагогика”, “Она тили ва болалар адабиёти”, “Бошланғич математика курси назарияси” фанларини муваффақиятли ўзлаштиришга боғлиқ бўлади, улар эса ўз навбатида технология ва уни ўқитиш методикаси фани билан «STEAM–таълим» дастури компонентлари билан ўзаро боғлиқ ҳолда уни иш методлари, усуллари ва шакллари билан бойитади.

Бўлажак бошланғич синф ўқитувчиларининг технология фанини ўқитишга методик тайёргарлигини такомиллаштириш моделида биз ўқув фанлари орасидаги боғланишни ҳамда уларнинг бошланғич синф ўқитувчисини ўқувчиларга технология фанини ўқитишга тайёрлаши мумкин бўлган «STEAM–таълим» дастури компонентлари “Технология ва уни ўқитиш методикаси” ўқув фани билан интерференция резонанси натижасида методик тайёргарликни таъминловчи компетенциялар тизимини ҳосил қилишини кўрсатдик.

Компетенциялар тизими эса касбий методик тайёргарликнинг сифат даражаларини таъминлашга хизмат қилди. Бўлажак бошланғич синф ўқитувчиларининг технология фанини ўқитишга методик тайёргарлигини такомиллашганлик натижалари фаолиятли, рағбатлантирувчи, когнитив, махсус ижтимоий баҳолаш мезонлари асосида таҳлил қилинди.

Натижа сифатида ижтимоий, шахсий, экстремал, технологик, касбий-методик сифатлари шакланган мутахассис – компетентли бошланғич синф ўқитувчиси ижтимоий буюртмани қондиришга тайёр, жамият ривожига ўз ҳиссасини қўшиши илмий асосланди.

Таклиф қилинган «STEAM – таълим» дастури билиш фаолияти ва илмий-техник ижодга жалб қилиш жараёнида интеллектуал қобилиятларни ривожлантиришга қаратилган парциал модул дастур ҳисобланади.

Замонавий таълим тизими олдида мураккаб вазифалар қўйилмоқда: биринчи навбатда, ўқувчини тез ўзгарадиган ахборот билан ишлашга қаратилган алоҳида интеллектуал қобилиятларни талаб қиладиган келажак жамиятида яшашга тайёрлаш; «STEAM – таълим» асосида ахборот олиш, уни қайта ишлаш ва амалда қўллаш малакаларини ривожлантириш.

«Ф.Фребелнинг дидактик тизими» таълим модули: атроф-олам предметлари билан тажрибалар, геометрик жисм ва шакллар билан амаллар

бажариш орқали математик воқелик ва фазовий муносабатларни ўзлаштириш, турли ракурс ва проекцияларда конструкторлаш.

«Жонли ва жонсиз табиат билан тажрибалар» таълим модули: тажриба-синов фаолиятида атроф-олам ҳақида тасаввурларни шакллантириш, кўргазмали-ҳиссий идрок жараёнида барча жонзотлар ўртасидаги бирликни англаш, экологик онгни шакллантириш, «LEGO – конструкциялаш», ақлий ва амалий тажриба ўтказиш, умумлаштириш, сабаб-оқибат алоқаларини ўрнатиш, ўз фаолиятини ва унинг натижаларини режалаштириш ва нутқий шарҳлаш қобилияти, предметларни гуруҳлаш малакаси, ҳаётнинг турли соҳаларидан хабардорликни намоён қилиш қобилияти, она тилини (луғат таркиби, грамматик қурилиши, фонетик тизими, семантик структураси ҳақида элементар тасаввурлар) эркин билиш, янги намуналарни яратиш, фантазия қилиш, аналогия ва синтездан фойдаланиш малакалари.

Талабаларнинг лойиҳаларини бажариши бошланғич синф ўқувчиларига технология дарсларини ўқитиш дастурини чуқур ўрганишга ва таҳлил қилишга, адабиётлар билан ишлаш, топилган материални дастур талаблари билан солиштириш, дастурнинг алоҳида мавзуларини ўрганиш бўйича конкрет вазифаларни ажратиб кўрсатиш, уларга мос равишда меҳнат объектларини танлаш малакаларини шакллантиришга ёрдам берди.

Диссертацияда “Технология ва уни ўқитиш методикаси” фани бўйича маъруза ва амалий машғулотларда талабалар ижодий лойиҳалар методининг моҳияти ва аҳамияти билан, бошланғич синф ўқувчиларини лойиҳани бажаришга тайёрлаш ва лойиҳалаштириш дарсларини ташкил қилиш, ўқув лойиҳалаштириш дарсларини ташкил қилиш методикасини мукамал ўргатиш зарурлиги таъкидлаб ўтилган. Бўлажак бошланғич синф ўқитувчиларининг технология фанини ўқитишга методик тайёргарлиги ўқитишнинг фаол методлари ва воситаларидан, шунингдек, ўқув лойиҳалаш методидан фойдаланган ҳолда таъминланади.

Ахборотлашган жамият шароитида таълим муассасаларидан инсоннинг креатив қобилиятларини ривожлантириш, уни технологик ижодий меҳнатга тайёрлаш, бутун умри мобайнида янги билимларни ўзлаштиришга ўргатиш талаб этилади. «STEAM – таълим» ёндашуви таълим траекторияларини индивидуаллаштириш, шахс хусусиятларини ҳисобга олиш ва таълим олувчининг ижодий салоҳиятини кашф қилиш имконини беради.

Диссертациянинг «**Тажриба-синов ишларини ташкил этиш ва натижалари**» деб номланган учинчи бобида педагогик тажриба-синов ишларининг ташкил этилиши, мазмуни, тажриба-синов натижаларининг математик статистик таҳлили ва самарадорлик даражаси ҳақида фикр юритилган.

Тажриба-синов ишлари Тошкент давлат педагогика университети, Қўқон давлат педагогика институти ва Жиззах давлат педагогика институтининг “Бошланғич таълим ва спорт тарбиявий иш” таълим йўналишлари талабалари билан ўтказилди. Унда жами 850 нафар талаба иштирок этди. Уларнинг олий таълим муассасалари кесимида тақсимооти қўйидаги жадвалда келтирилди (2-жадвал).

2-жадвал

Тажриба-синов ишларида иштирок этган талабаларнинг олий таълим муассасалари кесимидаги тақсимооти

№	Олий таълим муассасаси номи	Тажриба-синов ишларида қатнашган талабалар сони		
		Жами	Тажриба гуруҳи	Назорат гуруҳи
1.	Тошкент давлат педагогика университети	284	140	144
2.	Қўқон давлат педагогика институти	280	138	142
3.	Жиззах давлат педагогика институти	286	140	146
	Жами	850	418	432

Ўтказилган тажриба-синов ишлари жараёнида ўқув лойиҳалаш дарслари режаларининг баҳолаш кўрсаткичлари ва мезонлари ҳамда “Технология ва уни ўқитиш методикаси” фанини «STEAM – таълим» компонентлари асосида ўқитишнинг баҳолаш мезонларига асосан бошланғич синф ўқитувчиларининг технология фанини ўқитишга методик тайёргарлигининг такомиллашганлик даражалари аниқланди. Ушбу натижалар қуйидаги жадвалда келтирилди (3-жадвал)

3-жадвал

Тажриба-синов ўтказилган вақтда тажриба ва назорат гуруҳларининг ўзлаштириш даражалари

Мезонлар	Гуруҳлар ОТМ	Тажриба гуруҳи			Назорат гуруҳи		
		Паст 55-70%	Ўрта 71-85%	Юқори 86-100%	Паст 55-70%	Ўрта 71-85%	Юқори 86-100%
Фаолиятли	ТДПУ	18	103	19	6	44	94
	ЖДПИ	15	99	24	4	42	96
	ҚДПИ	16	101	23	5	43	98
	Жами	49	303	66	15	129	288
Рағбатлан-тирувчи	ТДПУ	21	101	18	5	43	96
	ЖДПИ	16	101	21	5	41	96
	ҚДПИ	15	104	21	5	40	101
	Жами	52	306	60	15	124	293
Когнитив	ТДПУ	19	105	16	6	41	97
	ЖДПИ	18	104	16	5	42	95


	ҚДПИ	17	101	22	4	41	101
	Жами	54	310	54	15	124	293
Махсус ижтимоий	ТДПУ	21	100	19	5	42	97
	ЖДПИ	19	103	16	4	43	95
	ҚДПИ	20	101	19	4	45	97
	Жами	60	304	54	13	130	289

Амалга оширилган тажриба-синов ишлари натижасида олинган маълумотлар асосида статистик таҳлил ишлари Стъудент мезони асосида амалга оширилди.


Педагогик тадқиқотларда гипотеза сифатида назорат гуруҳларида олиб борилган анъанавий методика асосида олинган натижалар тажриба гуруҳларида таклиф этилаётган методика асосида олинган натижалар билан таққосланиб, тажриба гуруҳларидаги натижаларнинг самарали эканлиги кўрсатилади.

Юқоридаги натижалар ва самарадорликка эга деган гипотезани исботлаш учун тажриба натижаларини қайта ишлашда математик-статистика методи қўлланди.

Кўриниб турибдики, тажриба гуруҳларидаги балларнинг ўртача қиймати назорат гуруҳидагига нисбатан юқори (2-расм).



2-расм. Барча кўрсаткичлар бўйича ўртача қиймат диаграммаси



3-расм. Даража кўрсаткичлари бўйича самарадорлик коэффиценти диаграммаси

Натижада тажриба гуруҳидаги балларнинг ўртача қийматини назорат гуруҳига нисбатан 13 %дан 15 %гача юқори экани маълум бўлди (3-расм). Демак, олиб борилган тадқиқот ишлари самарали экани исботланди.

ХУЛОСА

1. Бўлажак бошланғич синф ўқитувчиларининг технология фанини ўқитишга методик тайёргарлигини такомиллаштириш доирасида талабаларда бошланғич таълимнинг асосий вазифаларини ҳал қилиш, мустақил меҳнат қилиш, бурч ва масъулиятни ҳис қилиш, жамоавий ижодий ишларни бажаришда назорат ва ўзаро бир-бирини текшириш малакалари, ўқув фаолиятини ривожлантирувчи таълим принциплари асосида ташкил қилиш, юқори даражада мураккаблиликдаги вазифаларни ҳал қилишда ўзига ҳақиқий баҳо бериш ва интилишлар даражасини юзага келтириш, юзага келадиган қийинчиликларнинг сабабларини мустақил таҳлил қилиш малакалари шакллантирилди. «STEAM – таълим» даражаларига мос равишда оптималлаштирилган малака талаблари мазмуни такомиллаштирилди.

2. Бўлажак бошланғич синф ўқитувчиларининг технология фанини ўқитишга методик тайёргарлигини такомиллаштиришни “Бошланғич таълим ва спорт-тарбиявий иш” бакалаврият таълим йўналишининг ўқув режасидаги фанларини ўқитиш давомида мажмуавий амалга оширишнинг мақсадга мувофиқлиги исботланди. Ишлаб чиқилган моделда бўлажак бошланғич синф ўқитувчиларини 1–4 синфларда технологияни ўқитишга тайёрлаш жараёнида “STEAM – таълим” билан ўзаро боғлиқ ҳолда фанлараро боғланишни амалга ошириш кўрсатилди.

3. “STEAM – таълим” ёндашуви таълим олувчиларни янада фаол бўлиш имконини берадиган муҳит яратишни англатади. Натижада ушбу ёндашув

таълим олувчиларни таълим жараёнига пассив кузатувчи эмас, балки фаол иштирокчи сифатида жалб қилинишини таъминлайди.

4. Бўлажак бошланғич синф ўқитувчиларига технология фанини ўқитишда фан, техника, технология тараққиёти, муҳандислик, математика ва кундалик ҳаётда дизайн элементлари билан боғлаб ўрганишнинг «STEAM –таълим» ёндашуви асосида таълим-тарбия жараёнини ташкил этиш ва ўқитиш методикаси ишлаб чиқилди.

5. Бўлажак бошланғич синф ўқитувчисининг методик тайёргарлик сифати ва самарадорлигини оширишга хизмат қиладиган таълим траекторияларини индивидуллаштириш асосида машғулотларни педагогик лойиҳалаштириш методикаси ишлаб чиқилди.

6. Блум таксономияси асосида бўлажак бошланғич синф ўқитувчиси методик тайёргарлигини баҳолаш мезонлари ва кўрсаткич даражалари ишлаб чиқилди ва амалиётга жорий этилди.

7. Бўлажак бошланғич синф ўқитувчиларини «STEAM – таълим» ёндашуви асосида технология фанини ўқитишга методик тайёрлашнинг ўқув-методик таъминоти яратилди.

**НАУЧНЫЙ СОВЕТ DSc.03/30.01.2020. Ped.26.01 ПО ПРИСУЖДЕНИЮ
УЧЕНЫХ СТЕПЕНЕЙ ПРИ ТАШКЕНТСКОМ ГОСУДАРСТВЕННОМ
ПЕДАГОГИЧЕСКОМ УНИВЕРСИТЕТЕ**

**ТАШКЕНТСКИЙ ГОСУДАРСТВЕННЫЙ ПЕДАГОГИЧЕСКИЙ
УНИВЕРСИТЕТ**

АБДУРАИМОВА ГУЛЧИРОЙ ОЗОТОВНА

**СОВЕРШЕНСТВОВАНИЕ МЕТОДИЧЕСКОЙ ПОДГОТОВКИ
БУДУЩИХ УЧИТЕЛЕЙ НАЧАЛЬНЫХ КЛАССОВ К ПРЕПОДАВАНИЮ
ПРЕДМЕТА ТЕХНОЛОГИЯ**

**13.00.02 – Теория и методика обучения и воспитания
(технология)**

**АВТОРЕФЕРАТ ДИССЕРТАЦИИ ДОКТОРА ФИЛОСОФИИ (PhD)
ПО ПЕДАГОГИЧЕСКИМ НАУКАМ**

Ташкент-2020

Тема диссертации доктора философии (PhD) по педагогическим наукам зарегистрирована в Высшей аттестационной комиссии при Кабинете Министров Республики Узбекистан под номером за № В2019.2.PhD/Ped941.

Диссертация выполнена в Ташкентском государственном педагогическом университете.

Автореферат диссертации на трех языках (узбекском, русском, английском (резюме) размещен на веб-странице Научного совета (www.tdpu.uz) и информационном портале «Ziyonet» (www.ziyonet.uz).

Научный руководитель:	Исянов Равиль Геннадьевич кандидат педагогических наук, доцент
Официальные оппоненты:	Куйсинов Одил Алмуратович доктор педагогических наук, доцент
	Мухлибоев Махмут Каршибоевич кандидат педагогических наук, доцент
Ведущая организация:	Бухарский государственный университет

Защита диссертации состоится “___” _____ 2020 года в “___” часов на заседании Научного совета DSc.03/30.01.2020. Ped.26.01 при Ташкентском государственном педагогическом университете (адрес: 100011, город Ташкент, улица Бунёдкор, дом №27. Тел: (99871) 276-79-11; факс: (99871) 276-80-86; e-mail: tdpu_kengash@edu.uz).

С диссертацией можно ознакомиться в информационно-ресурсном центре Ташкентского государственного педагогического университета (зарегистрирована под номером _____). Адрес: 100011, город Ташкент, улица Бунёдкор, дом №27. Тел: (99871) 276-79-11; факс: (99871) 276-80-86.

Автореферат диссертации разослан “___” _____ 2020 года.
(протокол реестра под номером ____ от “___” _____ 2020 года)

Р.Х.Джураев
председатель Научного совета по присуждению
ученых степеней, д.п.н, академик

Р.Г.Исянов
секретарь Научного совета по присуждению
ученых степеней, к.п.н., доцент

Н.А.Муслимов
председатель научного семинара при Научном
совете по присуждению ученых степеней, д.п.н,
профессор

Введение (аннотация диссертации доктора философии (PhD))

Актуальность и востребованность темы диссертации. В мировых масштабах в период информатизации образования в учебный процесс внедряются целевые модели подготовки конкурентоспособных педагогических кадров, обеспечения методической подготовки будущих учителей, педагогические сценарии уроков (занятий) и мультимедийные образовательные ресурсы. В организации образовательно-воспитательного процесса по подготовке будущих учителей начальных классов к преподаванию предмета технология особую актуальность приобретает подход «STEAM-образование» (Science – естественные науки, Technology – технологии, Engineering – техническое творчество, Art – искусство, Mathematics – математика) изучения науки, техники и технологий, инженерии, элементов дизайна в связи с практикой³.

В мире проводятся научные исследования в области совершенствования методической подготовки будущих учителей начальных классов к преподаванию предмета технология, ориентации в профессиях в содержании предмета технология, воспитания творчества учащихся на уроках и внешкольных занятиях, развития их интереса к созданию нового. Большое внимание уделяется научным исследованиям по организации образовательного процесса для учащихся на основе робототехники, моделирования, конструирования, программирования, 3D-проектирования, электронных образовательных ресурсов.

В нашей республике сформированы нормативные основы и создана материально-техническая база совершенствования методики преподавания предмета технология в подготовке учителей начальных классов через внедрения в образовательный процесс передового зарубежного опыта, обеспечения эффективной интеграции науки и производства, повышения качества образования в средних общеобразовательных школах, повышения эффективности профессионально-методической подготовки будущих учителей начальных классов. В Указе Президента Республики Узбекистан «Об утверждении Концепции развития системы народного образования Республики Узбекистан до 2030 года» от 29 апреля 2019 года определена в качестве приоритетной задача «внедрение новых государственных образовательных стандартов и общеобразовательных программ, отвечающих требованиям современной инновационной экономики с учетом STEAM-дисциплин с особым вниманием к развитию компетенции и навыков критического мышления, самостоятельного поиска и анализа информации»⁴. В результате, расширяются педагогические возможности совершенствования подготовки будущих учителей

³ STEAM is an innovative method of teaching and should be implemented across Europe. More and more institutions should work together to share ideas and develop further projects. Participant at steam education Conference, Porto 2019 (<https://steameducation.eu/bookinginformation.html>).

⁴ Указе Президента Республики Узбекистан «Об утверждении Концепции развития системы народного образования Республики Узбекистан до 2030 года» от 29 апреля 2019 года. Национальная база данных законодательства, 29.04.2019 г., № 06/19/5712/3034.

начальных классов к преподаванию предмета технология, а также, обеспечения успешного перехода к последующему уровню образования.

Настоящее диссертационное исследование в определенной степени служит реализации задач, определенных в Указе Президента Республики Узбекистан №УП-4947 «О Стратегии действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан» от 7 февраля 2017 года, постановлениях №ПП-2909 «О мерах по дальнейшему совершенствованию системы высшего образования» от 20 апреля 2017 года, №ПП-3775 «О дополнительных мерах по повышению качества образования в высших образовательных учреждениях и обеспечению их активного участия в осуществляемых в стране широкомасштабных реформах» от 5 июня 2018 года и №ПП-4199 «О мерах по образованию президентских школ», а также в других нормативно-правовых актах, касающихся данной сферы деятельности.

Соответствие исследования приоритетным направлениям развития науки и технологий Республики Узбекистан. Диссертационное исследование выполнено в соответствии с приоритетным направлением развития науки и технологий в республике I. «Духовно-нравственное и культурное развитие демократического и правового общества, формирование инновационной экономики».

